Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 8-may, payshanba № 57 (3406)

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлатининг учта устунидир.
Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 май куни Оқсаройда мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бёрнсни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва икки томон учун манфаатли бўлган бошқа соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Турли соҳаларда мунтазамлик касб этган мулоқотлар, жумладан, икки мамлакат парламентлари ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги изчил алоқалар томонлар учун самарали ва конструктив ҳамкорликни қарор топтириш имконини бермоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда АҚШ компаниялари иштирокида тузилган 190 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 53 таси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мамлакатимизда АҚШдаги 40 етакчи корпорациянинг ваколатхоналари очилган.

Суҳбат давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Уильям Бёрнс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти бундан буён ҳам Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Халқларимиз фашизмга қарши елкама-елка қаҳрамонона жанг қилган ва беҳисоб қурбонликлар эвазига ўзларининг ҳаётини, эркинлигини ва муносиб келажагини ҳимоя қилган. Биз миллионлаб қурбонлар хотирасига таъзим қиламиз ва мислсиз жанглардан омон чиқиб, бизни тинчликни асраб-авайлашга, қадрига етишга даъват этган ота-боболаримизнинг жасоратига ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатамиз.

Буюк Ғалаба ёди бугун ҳам мамлакатларимиз халқларини бирлаштирмоқда. Биз бу йил 10 йиллигини нишонлайдиган Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бунинг ёрқин тасдиғидир. Ишончим комилки, Россия ва Ўзбекистон алоқаларининг янада мустаҳкамланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистонда яшаётган Улуғ Ватан уруши фахрийларига миннатдорлигим ва энг самимий табрикларимни, бутун Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Тинчлик бўлсин дунёда» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга узоқ йиллар соҳада фаолият кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Тинчлик бўлсин дунёда

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар ёши улуғ инсонларга давлат ва жамият томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий анъана ва қадриятларнинг бардавомлигига эришиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони уруш фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Шундай дориломон кунларга етказганига минг бора шукр қиламан, — дейди 86 ёшни қаршилаган тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Маҳмудова. — Президентимиз таъкидлаганидек, бундай фаровон ҳаётни, юртимиздаги тинчлик-тотувликни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри актёрлари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари барчага завқ-шавқ бағишлади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Бухоро шаҳрида «Юксак маънавиятли авлод» республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларидан сараланган 243 нафар ёш иштирок этди.

ҒОЛИБЛАР МАМЛАКАТ БОСҚИЧИДА

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти талабалари «Президент асарлари билимдони», «Бадиий ижод», «Энг янги тарих билимдони», «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни ифодалаган дизайнер», «Ватан куйчиси» номинациялари бўйича турли ёш гуруҳларида ғолиблик учун курашди.

Барча номинациялар бўйича 21 нафар ғолиб аниқланиб, улар фестивалнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЎзА

Касаба уюшмалари — фахрийларга

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциясини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан кўпгина тадбирлар амалга оширилди.

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

158 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда Мустақиллик йилларида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ватан ҳимоячиларининг оилаларига манзилли ёрдам кўрсатилди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар кўнгилларга чироқ ёқди.

«Ватан фахрийлари ва фидойиларига эҳтиром» тадбири намунали ташкил этилиб, қатнашчиларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлардан тадбир янада жозибали тус олди.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига Хотира ва қадрлаш куни арафасида алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилмоқда.

Меҳр ва эътибор нишонаси

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси бу борада алоҳида ўрин тутаётир. Самарқанд вилоятида бу йил 370 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 21 нафар шарафли бурчини адо этишда ҳалок бўлган тинчлик посбонлари оила аъзолари моддий ва маънавий рағбатлантирилиши режалаштирилган эди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан белгиланган кўмак ўз эгаларига топширилди.

Иштихон туманининг Қорақишлоқ маҳалласида кўпни кўрган нуроний Темир ота Кенжаев истиқомат қилади. Отахон қишлоқ хўжалигида самарали меҳнат қилган. Айни чоғда фарзандлар, неварачеваралар даврасида қарилик гаштини сураётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Иштихон туман кенгаши вакиллари отахонга касаба уюшмалари туҳфасини етказишди.

— Президентимизнинг биз, кексаларга бўлган эътиборидан бошимиз кўкка етди, — дейди Темир ота. — Касаба уюшмаларининг яқин кўмагини ҳам ҳис қилиб турибмиз.

Ургут туман ИИБ ходими Соҳиб Бекимов халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида ҳалок бўлди. Уч нафар фарзанди давлатимиз ғамхўрлиги остида бекаму кўст улғаймоқда.

— Касаба уюшмалари томонидан оиламизга мутасил моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинаётир, — дейди унинг қизи Бекжаҳон Қурбонбекова. — Биз, фарзандлар ҳам худди отамиз сингари мард, фидойи, ватанга садоқат билан хизмат қиладиган инсонлар бўлишни дилга тукканмиз.

Акция доирасида уруш ва меҳнат фахрийларига касаба уюшмаларининг қуйи ташкилотлари томонидан ҳам турли тадбирлар ташкил этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба сайр

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ходимларидан 45 нафарининг Тошкент шаҳрига саёҳатини уюштирди. Ушбу тадбир учун сарф этилган барча маблағлар корхона касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан қопланди.

МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН...

Ходимларимиз пойтахтга замонавий самолётда келиб, «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашишди. Сафарнинг биринчи куни «Мустақиллик майдони», «Ҳазрати Имом» мажмуаси, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Муқимий номидаги мусиқий драма театрида «Антиқа совчилар» спектаклини томоша қилишган бўлса, иккинчи куни Тошкент телеминораси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, «Ҳайвонот боғи», янги очилган «Локомотив» истироҳат боғини томоша қилишди.

Икки кун давом этган саёҳат уларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Р.ЗУЛПАНОВ,
«Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

***

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши тизимдаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

САЁҲАТ

Саёҳатчилар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини, томоша қилиб, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлишди.

— Саёҳатдан кўзланган мақсад, касаба уюшма фаолларининг маданий дам олишини ташкил этишдир, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгаши раиси Н.Ҳимматова.

— Самарқандга ташрифимиз мароқли ўтди. Саёҳат давомида кўрмаган жойларимни кўриб, тасаввурим кенгайди, билимларимни бойитдим, — дейди Сайёра Эсанова.

Ўз мухбиримиз

УЛУҒ НЕЪМАТ ШУКРОНАСИ

Фарғона тумани Чекшўра қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳомид ота Мамажонов 89 ёшда. 1943 йили фронтга чақирилган навқирон Ҳомид сафдошлари билан елкама-елка туриб жанг қилди. Урушдан соғ-омон оиласи бағрига қайтгач, енгил саноат тизимида ишлади.

Невара-чеваралари даврасида кексалик гаштини сураётган Ҳомид ота ёшлар билан суҳбатда бугунги файзли, осойишта кунларга осонликча эришилмагани, энг улуғ неъмат — тинчликни қадрламоқ лозимлигини бот-бот таъкидлайди.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳомид ота Мамажонов оиласи даврасида.

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Жиззах вилоятида «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Унда барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этаяпти.

Мангуликка дахлдор

Жумладан, туман, шаҳар касаба уюшма кенгашлари ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-ходимлар, талаба-ёшларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувларини ташкил этаётир. Уруш ва меҳнат фахрийлари, жангчи-фахрийлар, байналмилалчиларга байрам совғалари топширилиб, улар театр, концерт томошалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга таклиф этилаяпти. Шунингдек, муқаддас қадамжолар ҳамда мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига ташрифлар уюштирилмоқда.

«Саховат» ва «Мурувват» уйлари, Меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ва ёлғизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Вилоятда истиқомат қилаётган 136 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган тўрт нафар ватан ҳимоячиси оилаларига касаба уюшма бюджети ҳисобидан манзилли ёрдам кўрсатилди. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан икки нафарига «Зомин» санаторийсида дам олишлари учун бепул йўлланма ажратилди.

Қутлуғжон Раҳмонов Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларида оддий аскар бўлиб хизмат қиларди. Бу мард ўғлон Ватан ҳимояси йўлида жонини фидо қилди. Касаба уюшма фаоллари тегишли хизмат ходимлари билан ҳамкорликда марҳум аскар хонадонида бўлиб, оила аъзолари ҳолидан хабар олишди.

Шу куни касаба уюшма фаоллари ички ишлар, мудофаа тизимида ишлаб, хизмат даврида ҳалок бўлган Дилшод Ишонқулов, Ойбек Рашидов, Самандар Кенжаев хонадонларида ҳам бўлиб, оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатишди.

— Бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшамоқ ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз, — дейди Бахмал туманининг Данғара қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони, 88 ёшли отахон Фиёс ҳожи Бекамов. — Истиқлол берган бундай саодатли онлар учун Яратганга чексиз ҳамду санолар бўлсин. Бугунги ёшлар билан ҳақли равишда фахрланаман. Улар келажагимизнинг муносиб эгалари бўлиб улғайишаяпти. Уларга асло кўз тегмасин. Ватанимиз тинчлиги мангу бўлсин.

Биз ҳам табаррук инсоннинг самимий тилагига қўшилдик.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Эҳтиром

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан соҳада хизмат қилган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари иштирокида тадбир ўтказди.

Жасорат унутилмайди

— Турмуш ўртоғим, катта лейтенант марҳум Азизжон Турсунов билан 1998 йили оила қурдик, — дейди тадбир иштирокчиси Мадина Турсунова. — У Қибрай тумани тезкор қидирув бўлимида хизмат қиларди. 2004 йили жиноятчиларни қўлга олиш чоғида ҳалок бўлди. Ўшанда ўғлимиз Олимхон 4 ёшда эди. Бу йил у 8-синфни тамомлаяпти. Отасига ўхшаб мард, жасур. Маҳаллада, мактабда болалар жанжаллашиб қолса, уларни муросага келтиради, яраштиради. Ташкилотчилиги учун кўп марта раҳматномалар, фахрий ёрлиқлар олди. Бир неча йилдирки, Миробод туманидаги спорт комплексида ташкил қилинган футбол тўгарагига қатнаяпти. Туман ўсмирлар жамоасида дарвозабон. Отасига бағишлаб шеърлар ёзиб туради.

Тадбирда шаҳар ИИББ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, полковник Абдураҳмон Халилов сўзга чиқиб, Ватан олдидаги бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган сафдошлари хотираси абадий экани, уларнинг оила аъзолари, фарзандларига ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз, ИИББ ҳамда касаба уюшмалари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир. Бундай оилаларнинг барча фарзандларига ҳар йили «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланмалар ажратилади. Байрамлар муносабати билан тадбирлар ташкиллаштирилиб, совғалар топширилади. Манзилли моддий ёрдам кўрсатилади. Аризасига кўра, касаба уюшмалари томонидан хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимлар фарзандлари ўқув қуроллари, мактаб формалари билан таъминланади. Бундай оилаларни ўз вақтида нафақа билан таъминлашга катта масъулият билан ёндашилади.

Тадбир жараёнида касаба уюшмалари тамонидан 35 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳамда хизмат вазифасини ўтаётганда ҳалок бўлган 24 нафар ички ишлар ходими оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларнинг фарзандларига шаҳримиздаги кўркам кўнгилочар боғларга бепул чипталар тарқатилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ishonch
2014-yil 8-may № 57 (3406)

Сафимиз кенгаймоқда

Мамлакатимизда меҳнаткашларга муносиб иш ва турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифа ижросини зиммага олган касаба уюшмалари ҳар бир ишловчини назардан четда қолдирмасликка интилаяпти.

Манфаатли ҳамкорлик

Давлат муассасалари ва жамоат ҳизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Голибжон Рустамов ҳамроҳ лигида таркибга янги аъзо бўлган ташкилотлар фаолияти билан танишдик.

Ўттиз икки нафар ходим билан фаолиятини ташкил этган «INTEGRA DD» МЧЖ бир йилда 45 млн. ампула доридармон ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариш салмоғига мутаносиб равишда иш ўринлари ҳам кенгайтирилди. Ҳозирда 70 дан ортиқ киши иш билан банд бўлиб, импорт ўрнини босувчи 6 турдаги инъекция воситалари тайёрланмоқда. Корхона фаолиятининг илк давриданоқ касаба уюшмалари билан амалий алоқа ўрнатди ва аъзо ташкилотлар сафидан ўрин олди.

— Маъмуриятнинг касаба уюшма ташкилоти тузиш тўғрисидаги таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди, — дейди Голибжон Рустамов. — Ходимлар орасида обрў-эътиборга эга бўлган Улаш Мираков унга етакчи этиб сайланди.

Биринчи кунданоқ фаолиятни касаба уюшмалари устави ва низоми асосида ташкил этиш, ходимларга муносиб иш шароити яратиш устуворлик касб этди. Эътиборли жиҳати, қатор қўшимча имтиёз ва кафолатларни ўзида акс эттирган жамоа шартномаси лойиҳаси қисқа фурсатда тахт ҳолга келтирилди.

— Корхонамизда хавфсизлик кафолатланган меҳнат муҳити яратилган, — дейди Улаш Мираков. — Ходимларнинг унумли ишлаши, дам олиши, гимнастика билан шуғулланиши учун имконият етарли. Жамоа шартномаси бу борада қўшимчалар билан бойитилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, саломатлигини муҳофазалаш, саёҳатлар ташкил этиш каби қатор масалалар иш режасидан ўрин олган.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси сафига қўшилаётган ташкилотлар сони ортиб бораётир. Ўтган йилнинг сўнгги ойларида 22 та ташкилот аъзоликка қабул қилинган эди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 12 та ташкилотда касаба уюшма ташкилоти тузилди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси жамоаси ҳам касаба уюшма таркибига кириш истагида.

Янги иш ўринлари яратиш, одамларни фойдали юмуш билан банд этиш янги-янги ташаббусларга қаноат бағишлаяпти. Ишлаб чиқаришни, йўлга қўйган янги қувватлар кўпайиб, табиийки, меҳнат қилаётган ходимларда касаба уюшмалари билан амалий алоқалар боғлаш иштиёқи ортиб бормоқда. Ўз ўрнида касаба уюшмалари ҳам фаолиятини тубдан такомиллаштириб, ходимлар манфаатини келишув ва жамоа шартномалари орқали муносиб ҳимоя қилаётир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол ғунчалари

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Истиқлол ғунчалари» танлови ўтказилди. Унда «ТТЗ» маданият саройи ва туман «Баркамол авлод» маркази бадиий жамоалари ва якка ижрочилар қатнашди.

ЁШ САНЪАТСЕВАРЛАР БАҲСИ

Танловда эстрада қўшиқчилиги йўналишида туман «Баркамол авлод» марказидан Мурод Шафқиев, Шопен асарининг роял ижроси учун Мадина Деҳқонова, «Лазги» рақси учун Дилноза Адашалиева, ўзбекча ва ҳиндча рақси учун Ульяна Чегодаева, роял ижроси учун «ТТЗ» маданият саройидан Амина Алимова, «Тошкент» ашула ижроси учун Алимухтар Гасанов, «Умид» ашуласи учун Сарвар Тўйчиев, «Поппури» ижроси учун «Тумор» ёш ижрочилар ансамбли 1-ўринларга лойиқ топилдилар.

Ш.МАҲКАМОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси

Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Истиқлол ғунчалари» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

— Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириб, бадиий ҳаваскорликка ва санъатга кенг жалб этиш орқали уларда Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш мумкин. Шу мақсадда ташкил этилган танлов кўтаринки руҳда ўтди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Холида Пардабоева. — Юксак даражадаги ижролар иштирокчиларнинг пухта тайёргарлик кўрганидан далолат берди.

Танловда 120 нафар ёш санъатсевар қатнашди. Анъанавий ижрочилик йўналишида Янгиер шаҳар вакили Мадина Маъмирова, эстрада қўшиқчилигида Ширин шаҳар вакили Бобир Икромов, якка чолғу ижрочилигида Янгиер шаҳар вакили Ҳумоюн Ҳолбоев, якка рақс ижрочилигида Янгиер шаҳар вакили Севинч Илёсова, ансамбл чолғу ижрочилигида Сайхунобод қатнашчиси Одил Тошбулов, жамоа рақсида Гулистон туманининг «Деҳқон болалари» ансамбли маҳорати юқори баҳоланди. Шунингдек, Гуландом Жумаева тадбирнинг «Энг ёш иштирокчиси» (5 ёш) номинацияси бўйича рағбатлантирилди.

«Деҳқон болалари» фолклор ансамбли ўз чиқишини анъанавий ижро турида намойиш этиб, «Таътил кунларида» дастурини тақдим этди. «Қўй боқиш», «Оқ теракми, кўк терак», «Ҳаппак тош», «Арғамчи», «Чиллак» болалар халқ қўшиқлари жамланмасидан иборат бўлган ушбу дастур ҳакамлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Абдували Ўролов бадиий раҳбарлигидаги ушбу ансамбл республика миқёсидаги бир қанча фестивалларда ғолиб ва лауреат бўлган. Бадиий жамоа пойтахтда ўтган бу йилги Наврўз байрами тантаналари иштирокчиси ҳамдир.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари ҳамда Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексларининг тармоқ саноат ярмаркалари бошланди.

Тадбирларда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси таркибига кирадиган 160 корхона иштирок этмоқда.

Ташкилотчилар берган маълумотга кўра, тақдимот маросимларида Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари ҳамда Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексларининг корхоналари тўғрисида батафсил ахборот билан танишиш мумкин.

ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВА
олган сурат

Навоий вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАСКАНИДА

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида тиббий муассасаларда қурилиш-таъмирлаш, модернизация ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Жорий йилнинг ўтган даврида гемотология, кардиоревматология каби бўлимлар янгидан ташкил этилди, — дейди марказ бош шифокори Фарҳод Қурбонов. — Шунингдек, бўлимлар кенгайтирилиб, аҳолига зарур қулайликлар яратилмоқда. Бир юз йигирма беш ўринга мўлжалланган ушбу тиббий муассасада 310 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилади.

Бу ерда замонавий даволаш усуллари — туғма майиблик, чаноқ ва сон бўғими чиқишлари, кўкрак қафасидаги жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилаётир.

Президентимиз раҳнамолигида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида марказнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги болаларда учрайдиган турли хасталикларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш имкониятини оширди. Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Жумладан, Германиянинг KFW банки имтиёзли кредити ҳисобидан бир миллион 137 минг еврога энг сўнгги русумдаги замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилади.

ЎзА

Ижтимоий шериклик

Меҳнат муҳофазаси – ҳаёт гарови

Бухоро вилоятида жойлашган корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳоналари замон талабига мувофиқ ташкил этилиб, намуна бўларли даражада жиҳозланган. Ишчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, зарарли муҳитда ишловчилар иш ҳақига ва меҳнат таътилига қўшимчалар, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари билан таъминланган. Бепул парҳез овқатлар бериш йўлга қўйилган.

Бундай ғамхўрлик ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш билан бирга, ишлаб чиқаришда самарадорликка эришишнинг муҳим омили бўлаётир. Буни «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонаси, Бухоро минтақавий темир йўл узели ташкилотлари, «Бухоро» халқаро аэропорти, «Бухородонмаҳсулотлари» ОАЖ, «Бухоро гилам» қўшма корхонаси, «ДЭУ текстил Бухоро» хориж корхонаси ва бошқа кўплаб меҳнат жамоалари фаолиятида кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларнинг вилоят ва республика босқичида ғолибликка эришаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Халқаро меҳнатни муҳофаза қилиш куни ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонлаб келинмоқда. Вилоятда ҳам «Меҳнатни муҳофаза қилиш ойлиги»га эътибор тобора кучайиб бораётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан қатор ишлар амалга оширилади.

Ойлик давомида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасига оид семинар машғулотлари, давра суҳбатлари уюштирилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилади. Бундай тадбирлар ишловчиларнинг айнан шу йўналишдаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси жойлардаги меҳнат жамоалари маъмурияти, касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда олиб бораётган фаол иш ўз самарасини бераётир.

Ҳозирда корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситалари жорий этилаётир ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлашга эътибор янада кучайтирилган. Шу билан бирга, меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришда банд ходимларга имтиёзлар кенгайтирилмоқда.

Яқинда ҳамкорлик ўтказилган семинар-тренингда корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандислар, жамоатчи вакиллар, суғурта компанияси ва соҳага алоқадор ходимлар иштирок этди. Унда асосий эътибор бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қоида ва меъёрларга риоя этилиши устидан меҳнат жамоаларида назоратни кучайтириш, иш жойларини меҳнат шароитига кўра тасдиқдан ўтказиш, ходимларни ўқитиш каби муҳим жиҳатларга қаратилди. Қатнашчилар соҳадаги янгиликлардан хабардор этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Бурхон ФАЁЗОВ,
Бухоро вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи.
Ҳайитбек БАРНОЕВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Бошланғич ташкилотларда

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ички йўлларни таъмирлаш борасидаги чора-тадбирлар диққатга сазовордир. Бунда «Хоразмавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотида меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг ҳиссаси катта.

Бунёдкорлик йўллари

Уларнинг ижтимоий ҳимояси, маънавий дунёқарашини кенгайтириш каби масалалар алоҳида эътиборда. Ташкилот ва унга қарашли корхоналарда ҳар ой «Маънавият соатлари» ўтказилади. Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий мавзулар, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар юзасидан маърузалар қилиниб, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, «Эзгулик ғояси билан яшаш менинг инсоний бурчим», «Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар тарбияси», «Ёшлар маънавий баркамоллигига барчамиз масъулмиз», «Касб маънавияти», «Бунёдкорлик йўлида» каби мавзуларида тадбирлар ташкил этилди. Ишчилар дунёқарашини шакллантириш, юртимиздаги бунёдкорликни тарғиб этиш мақсадида корхоналарда бадиий безаш ишлари олиб борилди. Касаба уюшма қўмитаси томонидан аъзоларни спортга жалб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шахмат бўйича ташкилот ва унга қарашли корхоналар ишчилари ўртасида икки босқичли мусобақа ўтказилди. Голиблар касаба уюшмаси томонидан муносиб тақдирланди. Жисмоний тарбия ишларини янада ривожлантириш, меҳнаткашларда спортга бўлган иштиёқни ошириш мақсадида касаба уюшма маблағидан ҳар бир корхонага спорт анжомлари олиб берилди. Ташкилотда «Йўлчи» мини футбол жамоаси тузилган бўлиб, спорт формаси ва анжомлари билан таъминланган. Жамоа вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кўп йиллардан буён йўл соҳасида меҳнат қилаётган, соҳа ривожига ҳисса қўшиб келаётган, илғор, жамоат ишларида фаол ходимлар касаба уюшма фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди. Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож аъзоларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ташкилот ва унга қарашли корхоналарда меҳнат қилаётган ишчилардан 5 нафари ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан соғломлаштирилди. 3 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига касаба уюшма маблағи эвазига республикамиздаги санаторийларга йўлланмалар олиб берилди.

Дарвоқе, ташкилот ва унга қарашли корхоналар ишчиларининг касаба уюшма қўмитаси томонидан май ойида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига жамоавий саёҳатини уюштириш режалаштирилган.

Шарофиддин АҲМЕДОВ,
«Хоразмавтойўл» ХЙФТ касаба уюшма қўмитаси раиси

Танлов

Қарши шаҳрида «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» аниқланди. Қашқадарё вилояти марказидаги қирқдан ортиқ умумтаълим мактаблари ҳамда йигирмага яқин касб-ҳунар коллежи ёш педагоглари ўртасида ташкил этилган кўрик-танловда биринчилик Қарши тиббиёт коллежи ўқитувчиси Сероб Норовга насиб қилди.

Истеъдодлар орамизда

Иккинчи ўринга Қарши компютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Манзура Даминова, учинчи поғонага эса 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Надя Норбоева сазовор бўлди.

— Мана шундай кўрик-танловларни кўпроқ ўтказиш керак, — дея таъкидлади биз билан суҳбатда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Шерзод Йўлдошев. — Сабаби, соҳа мутасаддилари «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида ёш мутахассисларга кўпроқ эътибор қаратаверишмайди. «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» танловида шу нарса аён бўлдики, ёшларимиз орасида маҳоратлилари кўп. 4-ўрта мактабнинг физика фани ўқитувчиси Гайрат Тошев, 1-сон ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби инглиз тили мутахассиси Дилшод Фармонов, 5-мактаб муаллимаси Дилнавоз Ҳикматованинг дарс ишланмалари юқоридаги фикрни тасдиқлаши мумкин.

Танловда иккинчи ўринни олган Манзурахон Даминованинг фаолияти эътиборимизни тортди. 2012 йил декабр, 2013 йил август ойларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кўчма семинарда қатнашган Манзурахон олган билим ва тажрибаларини амалга татбиқ этмоқда. Унинг ўз фани бўйича таълим технологияси методик қўлланмаси ишлаб чиққани ҳам сўзимиз исботидир. Давлат таълим стандартлари асосидаги намунавий дастур доирасида яратилган бу қўлланма барча касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларнинг «Оила психологияси» фани ўқитувчиларига мўлжалланган. Унга кўра, ўқитувчи 40 соатлик дарс мобайнида ўқувчиларга бериш мумкин бўлган билим ва кўникмалар, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни ва босқичлари аниқ кўрсатиб берилган. Янги технологиялар асосида ўтилаётган дарслар ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини ошириши аниқ.

Биз тармоқ касаба уюшма етакчисининг эътирофидан кейин Манзура Даминованинг фикрларини ёзиб олдик.

— «Оила психологияси» фанини ўқитишдан кўзланган асосий мақсад — ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ҳаётда бўладиган муаммоли вазиятлардан оқилона йўл билан чиқиб кетиш малакасини шакллантиришдан иборат, — деди ёш мутахассис. — Дарсларни янги технология асосида ўтиш натижасида ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши ошгани кўзга ташланди. Бу «Кейс стади» технологияси, ўқув лойиҳалар ва мустақил иш натижаларида яққол кўриняпти. Шу кунларда битирувчи ўқувчилар билан «Яхши турмуш ўртоқ танлаш: маҳорат ёки омад» номли кичик ҳажмли китобни нашрга тайёрлаяпмиз.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 8-may № 57 (3406)

Хотира — абадий,

ҚАДР — МУҚАДДАС



ОТАМДАН ҚОЛГАН ГАПЛАР

1944 йили ёши 18 га тўлган отам урушга сафарбар қилинган. Бу пайтда жангу жадал Европа ҳудудида давом этар, ола-тасир ҳадисини олиб улгурмаган йигитчанинг омади чопиб, фарғоналик Анвар исмли пулемётчига ёрдамчи қилиб тайинланган.

Анвар ҳожи алп келбатли, ҳазилмутойибага мойил афандинамо, чапани одам бўлган ва оғир-босиқ, кўнгли очиқ ҳамюртини беҳад ёқтириб қолган.

— Борганимдан ой ўтмай, пулемётни тариллатишни ўрганиб олдим, — деганди отам. — Фашист мерганлари жуда моҳир бўлиб, ўрмондаги дарахт барглари орасига шу қадар усталик билан бекиниб олишардики, шохларда ғаним ўтиргани хаёлимизга ҳам келмасди. Бунинг кўп ситамини тортганмиз.

Кунлардан бир кун тушликка бўтқа тарқатилаётган эди. Кўчма ошхонанинг улкан идиши олдида саф тортиб, Ҳожи ака (тутинган акамнинг исмини айтиб ўтирмай, Ҳожи ака дейишга одатлангандим) иккимизнинг кастрюлкамизни тутганча сарғайиб кутдим. Табиатан қумақайроқ эмасманми, овқат ҳиди димоғимни қитиқлар, очлик силламни қуритиб, бўларим бўлганди. Онажоним пиширган паловлар, тандирдан узилган қип-қизил патирлар кўз олдимдан ўтиб, ҳўнграб юборай дердим. Ҳартугул навбатим келиб, чўққи соқол ошпаз қўлидаги катта чўмич билан кастрюлкаларни тўлдириб берди. Икки қўлимда икки идиш билан валиғ неъматим ўтирган жойга югурдим.

— Келдингми, жиян, мен аввал, пешинни ўқиб олай, қазо бўлмасин, кейин бафуржа овқатланамиз, агар сабринг чидамаётган бўлса, сен бошлайвер, — деди Ҳожи ака.

Бир пайт қўққисдан чийиллаган ўқ ёмғири ён-атрофни тутиб кетса денг. Уларнинг бири нақ кастрюлкамни тешиб ўтди. Бўтқа ерга сизиб оқар, мен эса шошганча идиш тешигидан насибамни ялардим. Отишма қандай бошланган бўлса, шундай тез тугади. Чангтўзон тарқагач, сал ўзимга келиб Ҳожи ака тарафга қарадим. У ҳануз саждадан бош кўтармаганди. Юрагим орқага тортиб кетди ва аста яқинлашиб овоз бердим.

— Ҳожи ака, Ҳожи ака!

Аммо ундан садо чиқмади. Қўлимни елкасига қўйиб, аста туртдим. Гавдада жон асари сезилмас, ерда қон кўлоб бўлиб ётарди. Жонҳолатда қичқириб юбордим.

— Ҳожи ака, Ҳожи акажон!

Душман мергани бехато отган, Фарғонанинг беназир алпи аллақачон жон таслим қилганди. Ўша куни уни ерга қўйдик. Жаноза ўқувчи топилмади, болалигимда қулоғимга сингган қуръон сураларини ўзимча такрорлаган бўлдим.

1945 йил уруш тугаш арафаси эди. Шиддатли жанглар борар, фашистлар ўз уясида қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Оғир жангларнинг бирида падари бузрукворим оёғидан яраланади ва боз устига яқин атрофда бомба портлайди. Бунинг оқибатида отам контузия бўлади ва бир қанча муддатдан сўнг госпиталда ўзига келади. Ўзбекистонга 1946 йилда қайтади.

Уруш асорати умр бўйи уни таъқиб қилди. Эсимни танибманки, отамнинг тез-тез боши оғрир, тунлари рўмол танғиб ётар, самолётда учса ойлаб қулоғи том битарди. Қиблагоҳим 63 ёшида ўткинчи дунёни тарк этди. Ҳар йили 9 Май куни ярам янгиланади. Отагинам сиймоси кўз олдимда намоён бўлади. Дунёга уруш оловини сочган газандаларни лаънатлайман. Тилагим эса битта: тарих хатосини такрорламаслик, тинчликка таҳдид солгувчи ёвуз кучларга асло йўл бермаслик керак.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Қўқонга хизмат юзасидан борганимда Раҳматжон ака билан кўп учрашганман. Истараси иссиқ, атрофга тийрак боқувчи, суҳбати ширин одамийлиги эса ундан ҳам зўр эди.

УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНИБ,

кўпга бош бўлган инсон

Раҳматжон Эркабоев шаҳардаги Исфарагузар маҳалласида туғилиб ўсди. У мактабдан бўшади дегунча Муқимий номли боғдаги болалар темирйўлига югурарди. Шу тариқа Раҳматжонда темирйўлчи бўлишга ҳавас ортди. Орзулари уни Тошкентга етаклади. 1974 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини битирди. Ишни ўзи яхши билган Қўқон бекатида операторликдан бошлади. Ўша пайтларда Фарғона водийсига келиб-кетувчи юк ва йўловчи поездлар аввало шу ердан ўтар, уларнинг кети узилмасди. Бу ердаги қизғин иш жараёни Раҳматжон Эркабоевни тоблади. Кейинроқ бекат навбатчиси бўлди. Сўнг Фарғона темирйўл бўлимининг ҳаракатни бошқариш тармоғида оддий диспетчерликдан катта диспетчерликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Катта диспетчер дегани 40 та одамга (диспетчерларга) бошлиқ саналарди.

1981 йилдан эса янада масъулиятли лавозимларида ишлади. Аввалига Жалолобод, Қўқон бекатларининг, кейинчалик Фарғона бўлимининг йўловчи ташиш соҳасини бошқарди. Бу ишларда тажриба орттиргач, Ховос бўлими бошлиғининг, кейин Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг контейнер ва пикетли ташиш хизмати бошлиғининг ўринбосари, Фарғона темирйўлининг ҳаракатни бошқариш бўлими бошлиғи вазифаларида самарали меҳнат қилди.

1989 йилда темир йўл раҳбарияти унинг иш бошқаришдаги қатъияти ва қобилиятини ҳисобга олиб, Фарғона темирйўл бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлади. У 12 йил шу масъулиятли вазифада ишлади. 2001 йилнинг 1 сентябридан эса «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Фарғона ҳудудий маркази бошлиғи ўринбосари бўлди.

Раҳматжон Эркабоев фаолияти давомида қанчадан-қанча ибратли ишларга бош бўлди. Қатор-қатор вокзаллар қурилди, «Чимён» пансионатида замонавий бинолар қад ростлади.

Эндиликда водийга борсангиз, Раҳматжон Эркабоевни ўзига устоз санаган қанча-қанча темирйўлчиларни — унинг шогирдларини учратасиз.

Раҳматжон ака ҳаётининг сўнгги йилларида Қўқон минтақавий темир йўл узелининг касаба уюшма ҳудудий қўмитасида раис бўлиб ишлади. Бу вазифани ҳам шараф билан бажариб, темирйўлчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, турли тадбирлар ўтказишда ибрат кўрсатди.

Бу фидойи инсон қўқонлик футбол ишқибозлари орасида ҳам яхши танилган эди. У миллионлар ўйини бўлган футболни жон-дилдан севарди. Темирйўлнинг турли буғинларида хизмат қилиш билан бирга, қатор йиллар Қўқоннинг «Темирйўлчи» футбол жамоаси вице-президенти бўлган. Йиллаб футболчилар ҳаёти билан яшаш, уларнинг муаммоларини ўзиники деб билиш, ютуқлардан қувониб, мағлубиятдан азият чекиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Р. Эркабоев барча темирйўлчиларнинг орзуси бўлмиш «Фахрий темирйўлчи» нишони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган.

Ўғли Отабек Эркабоев «От ўрнини той босар» нақлига амал қилиб, ота касбини танлади. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини битириб, Қўқон бекатида ишлади, бекат бошлиғи бўлди. Сўнгра Давлат бошқаруви Академиясида ўқиди. Ҳозирда Фарғона водийси бўйича темир йўлларни бирлаштириб турган Қўқон минтақавий темир йўл узели бошлиғи.

Раҳматжон Эркабоев халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутати сифатида Қўқон шаҳри ҳаётида ҳам фаол қатнашди. Маҳалла фаоли сифатида эса маҳалладошлари орасида катта ҳурматга эга эди.

Дўстлар ёди

Содиқжон ТУРДИҚУЛОВ,
Тошкент темир йўл минтақавий узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси:

— Раҳматжон билан ҳамшаҳармиз. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида ҳам бирга ўқидик. Беш йил ётоқхонада бир хонада турганмиз.

Раҳматжон шўх, қувноқ, олов қалби, виждонли, кўнгли тоза, ҳазилкаш йигит эди. 1974 йилда институтни битиргач, у Қўқонга, мен эса Бухорога ишга юборилдик. Қўқонга келганимда, албатта, учрашардик.

Дўстим Раҳматжон ажойиб инсон эди. Темирйўлни жуда севарди, шу сабабли умрининг охиригача темирйўлчилик касбини ардоқлаб, ўз касбига содиқ қолди...

Иқболжон ОХУНОВ, собиқ темирйўлчи:

— Одамийлиги зўр эди. Вафотидан бир кун олдин олдига иш билан киргандим. Ишимни битиргач, сира мени қўйворгиси келмасди. Шу куни сўнгги бор ишлаши экан...

Кейин эшитишимча, эртасига эрталаб нонушта қилгач, жиндек мазаси қочган бўлса-да, ишга бориш учун кийиниб кўчага чиқибди. Машинага ўтирибди-ю юраги ёмон бўлиб, қайта уйга кирибди. 58 ёшда эди у...

Баъзан темир йўлда бўлиб турадиган ҳолат: иш юзасидан қаттиқ-қуруқ гаплар бўлиб қолади. Танқиддан тўғри хулоса чиқариш ҳаммани қўлидан келавермайди. Шундай пайтларда устоз барча оғирликни ўзига оларди.

Раҳматжон одамнинг кўнглини кўтаришга уста эди...

Адҳам ДАМИНОВ

Қалдирғочлар тинч хонадонга ин қуриб, полапон боқади, деган гапни ёши улуғларимиздан кўп бор эшитганмиз. Тинчликнинг нечоғлик ҳаётий зарурат эканлигини катталар ана шу қуш мисолида ҳам уқтириб келишади.

«СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ...»

Кексаларга ҳурмат кўрсатиш, уларни эъзозлаш каби фазилат азалдан халқимизга хос бўлиб келган. Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциясини ўтказилиши анъанага айланган бўлиб, бу йил ҳам республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан 3868 нафарига ҳамда Мустақиллик йилларида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг 182 та оилаларига касаба уюшмалари бюджети ҳисобидан икки юз эллик минг сўмдан манзилли ёрдам кўрсатилди. Нуронийлар бу эътибор ва рағбатдан руҳан қувватланиб, шундай дориломон кунларга етганлари учун шукроналар айтмоқдалар.

Норбой ота Йулчураев ҳам дилида ва тилида шукрона билан яшаётган фахрийлардан. Айни қирчиллама ёшлиги уруш даврига тўғри келган отахон Боёвут туманида истиқомат қилади. Ҳаёт синовлари ичида тобланган умр сабоқларини ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчиларига илинади.

Отахонда яхши одат бор. Ёшлардан, энг аввало, келиб чиқишини сўрайди. Ўтмишини билмаганнинг келажаги йўқ, дейди. Етти авлод сўроғига жавоб тополмай шошиб қолганларга аждодларга ҳурмат ҳам ватанпарварлик белгиси эканлигини алоҳида уқтиради.

Норбой бобо яна ёшларнинг орзулари, бу йўлда қилаётган саъй-ҳаракатлари билан қизиқиб, уларга ҳамиша тўғри йўлни кўрсатишдан чарчамайди.

— Инсон умрининг гавҳари — ёшлик, — дейди отахон ҳар гал ёш авлод вакиллари билан учрашганда. — Ёшликда ҳамма нарса: ишончнинг энг зўри, қадамнинг энг салмоқлиси, кучнинг энг мужассами, гўзалликнинг энг камоли бўлади. Шу боис ёшликнинг қадрига етинг. Бизнинг ёшлигимиз уруш оловлари ичида ўтди. Мустақил юрт умидлари эканингизни ёдда тутинг. Бугун сиз учун барча имкониятлар эшиги очилган. Орзуларингизга ўзингизнинг ҳаракатингиз билан эришасиз. Эркин юртнинг бахтли авлоди, сизга ҳавасим келади.

О. МАМАДАЛИЕВА

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўрингул момо Садуахасова Чимбой туманидаги 38-мактаб ўқувчилари билан.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ ЎзА олган сурат

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида 19-бошланғич таълим мактабида ажойиб тадбир уюштирилди.

КУТУБХОНАГА ТУҲФА

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб мактабда музей ташкил этилди. «Менда катта таассурот қолдирган шеър» мавзуида ифодали ўқиш танлови, тасвирий санъат йўналишида «Ватан — Муҳаммад Юсуф нигоҳида» деб номланган расмлар танлови ўтказилди. Айниқса, ижодкорлар иштирокидаги шеърхонлик кечаси ўқувчиларда катта таассурот уйғотди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан мактаб кутубхонасига эл севган шоир китоблари тақдим этилди.

А.ГАППОРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Дўстлик туман кенгаши раиси

Хотира майдони. Бу маскан қадр-қиммат, меҳр-мурувват, эъзоз ва эҳтиром гўшаси. Бунда буюк жасорат, тоғдек улуғ матонат мужассам. Аждодлар руҳи, уларнинг сўнмас хотираси бор.



АЖДОДЛАР РУҲИ СЎНМАС

Каримжон ота қишлоғимизнинг улуғларидан. Тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб бораётган бўлса-да, ҳали асога бўйин эгмаган.

Отанинг яхши одати бор. Ўтган-кетган ёшу қарини дуо қилади. Тинчлик-тотувлик тилаб, эзгуликлар билдиради. Бир гапни қайтаргани-қайтарган: «Камлик-қарамлик кўрманглар, бехатар-бешикаст юринглар». Бунинг сабаби бор, албатта. У киши уруш кўрган, кўп қийинчилик ва заҳмат чеккан инсон. Шу сабаб тўқлик ва тинчликнинг қадрини яхши билади.

— Уруш якунланиб қолган йиллар эди, — ўйчан гап бошлайди ота. — Лекин дилдан хурсандчилик қила олмасдик. Юрагимиз айриликлардан, вайроналардан зада эди. Етар-етмовчилик одамларни ҳолдан толдирган эди.

Бугун-чи? Бугун ҳаммаси бошқача. Дастурхонларимиз тўкин. Фарзандларимиз бехатар. Эмин-эркин вояга етишмоқда. Билим олиб, ўзлари истаган, севган машғулотлари билан шуғулланишмоқда. Бу — тинчлик ва осойишталикдан.

Ҳа, ҳузур-ҳаловатга осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, осойишталикнинг қадрига етмоқ керак. Бугун биз хотирлаётган, ёд этаётган инсонлар ана шу неъматлар учун жон олиб, жон берган зотлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг номи абадиятга дахлдор.

Айни пайтда Наманган вилоятида 200 мингга яқин нуронийлар бўлиб, уларнинг 200 нафардан ортиғи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидир. Улар доимо иззат-икромда.

Инсон хотираси — азиз, қадри — улуғ. Юртимизда 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Бу кунда ўтганлар ёд этилиб, нуронийларимиз, бемору кўнгли яримлар йўқланади. Эъзоз ва эҳтиром кўрсатилади. Бу анъана йилдан-йилга муқаддас қадриятга айланиб бормоқда. Аслида ҳам инсон бир-бирини умр бўйи ардоқламоғи, қадрламоғи, ўтганлар ёди муқаддаслигини ҳис қилиб яшамоғи даркор.

Баҳодир МЎМИНОВ,
журналист

ОҚҚАН ДАРЁ...

...1986 йил. «Ўзбеклар иши» деб ном олган навбатдаги қатағон авж олган давр. Июн ойининг бошларида Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги «Фан» нашриётига раҳбарлик қилаётган таниқли олим Ҳабибулла Бектемировни одатдагидан бошқачароқ тарзда йўқлаб қолишди. Ўзи ўйлаганидан ҳам ошиб тушди. Ундан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздириб олишди.

Оққан дарё оқаверади. Йирик ташкилотнинг ташвишларидан қутулган Ҳабибулла Бектемировни Тилшунослик институтига ишга таклиф этишди. Домла бу ерда ўз соҳаси бўйича катта илмий ходим сифатида яна қизғин меҳнат фаолиятини бошлаб юборди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб юртимизда миллий тил ривожи сезилмай қолган эди. Бунинг ўша давр билан боғлиқ кўпгина сабаблари бор эди, албатта. Хайриятки, тез орада аҳвол яхши томонга ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан она тилимиз тўғрисидаги олдинги лойиҳа ўрнига янгиси ишлаб чиқилди. Чунки, аввалги лойиҳа «Ўзбекистонда Тиллар ҳақида Қонун» дея номланган бўлиб, унинг мазмунига ҳам ўзбек тилига, ҳам рус тилига давлат тили мақомини бериш нияти усталик билан сингдирилган эди. Кўп ўтмай иккинчи лойиҳа қабул қилинди ва у «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги Қонун лойиҳаси» деб аталди. Шу асосда 1989 йил 21 октябрда Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинди. Бу Ўзбекистон ҳаётида катта воқеа бўлди. 1989 йилнинг 26 декабрида Вазирлар Кенгашининг Республика Атамашунослик қўмитасини тузиш ҳақидаги фармойиши чиқди. Фармойишга биноан ЎзФА мухбир аъзоси Ғ.Абдураҳмонов — раис, унинг ўринбосари этиб Ҳ.Бектемиров тайинланди.

Ҳабибулла Бектемиров атамашуносликнинг илмий масалалари, амалий жабҳалари билан шуғулланиб, бир неча рисола, кўплаб илмий мақолалар ёзди. Луғат тузиб нашр эттирди. «Давлат тилидаги қонун ва атамашунослик масалалари» (Одил Ёқубов билан ҳамкорликда), «Мустақиллик даври атамалари» рисолалари чоп этилди. Унинг раҳбарлигида тузилган «Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар» луғати эълон қилинди. 20 босма тобоқдан ортиқ йирик ҳажмли русча, ўзбекча юридик атамалар луғати (Ғ.Аҳмедов билан ҳамкорликда) нашр қилинди.

Хўш, домла Ҳабибулла Бектемиров асли ким ўзи? У республиканинг йирик олимлари ва раҳбарлари назарига қандай тушиб қолди?

Ҳабибулла 1934 йили Бахмал тумани Жарбулоқ қишлоғида туғилган. Отасини «мулла Бектемир» дейишарди. Ўқиган, уққан, илмли, меҳнаткаш Б.Исмоилов нафақага чиққунга қадар банк ходими, ғазначиси бўлган. Саккиз нафар ўғил-қизни элга қўшган бу инсон ҳаёт қийинчиликларига қарамай беш нафар фарзандини олий маълумотли қилди.

Мактабни «олтин медал»га битирган Ҳабибулла 1953 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факултетига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1958-1960 йилларда Ғаллаорол туманидаги 64-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берди.

1960 йили тақдир уни Тошкентга йўллади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида кичик илмий ходимликдан иш бошлаган Ҳабибулла Бектемиров директор даражасигача эришди.

«Фан» ҳар йили илм-фаннинг турли соҳаларига оид 300 га яқин номдаги китоб, журнал чиқарар эди. Нашр этилган китобларнинг бир қисми халқаро «Китоб фирмаси» орқали чет элларга сотилар, нашриётнинг иккита журнали инглиз тилига таржима этилиб, чоп этиларди. Ўша йиллар, айниқса, кўп жилдли академик нашрларга катта этибор қаратилганди. Абу Райҳон Беруний асарлари сўнгги жилдлари, Абу Али Ибн Синонинг олти жилдли «Тиб қонунлари» асари ўзбек ва рус тилларида (рус тилида 50 минг нусха, тўрт жилдли), Ойбекнинг 20 жилдли асарлари, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон тўла асарларининг дастлабки жилдлари шу даврда чиққан. Бундан ташқари, Ҳамид Сулаймон, Фозила Сулаймоновалар томонидан тайёрланган Алишер Навоий, Бобур, Абдураҳмон Жомий асарларига ишланган миниатюралари албоми нашриётнинг маблағи ҳисобига Москвадаги 5-босмахона ҳамда Венгрияда нашр этилган. Бугун бу асарлар ва албомлар нодир нашрларга айланган.

Ҳабибулла Бектемиров ҳаётда камтар, камсуқум бўлгани ҳолда талабчан ҳам эди. Кўпчиликка ёрдами тегди. Эллик ёшида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди.

Машҳур олимлар Қори Ниёзий, Иброҳим Мўминов, Теша Зоҳидов асарларини таҳрир этиш жараёнида улар билан яқин мулоқотда бўлди. Қанча йиллар Обид Содиқовдек дунё таниган академикнинг бевосита раҳбарлигида ишлади.

Кексайган чоғида кўрган-кечирганлари ҳақида китоб яратиш нияти туғилди. Ниҳоят «Ёдимда асралган эсдаликларим» дунё юзини кўрди.

Ҳабибулла Бектемировнинг ғоят сермазмун меҳнат фаолияти ярим асрдан кўп вақтни ташкил этади. Турмуш ўртоғи Муҳайё Содиқова билан тинч-тотув умр кечириб, икки фарзандни элга қўшди. Қизи Сурайё Юнусобод туманидаги 220-мактабда дарс беради, биринчи тоифали ўқитувчи. Шукрулла эса Тошкент давлат техника университетини тамомлаб, ҳозирда ҳарбий соҳада ишламоқда.

Тақдир экан, Муҳайё опа 2012 йилда вафот этди. Орадан беш ой ўтиб домла ҳам бандаликни бажо келтирди. Видолашув чоғида кўзлари юмуқ ҳолда юзида майин табассум илиниб турганини сезиб, ҳаяжонга тушганим рост. Ҳа, Ҳабибулла Бектемиров олижаноб, мулойим, очиқ чеҳрали инсон эди. Унинг эзгу ишлари авлодларида давом этишига ишонамиз.

Иброҳим ЭШБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

Таҳририятдан: Ушбу мақола чоп этишга тайёрланаётган пайтда нохуш хабар олдик: ажойиб журналист, элсевар инсон Иброҳим ЭШБЕКОВ вафот этибди. Нима ҳам дердик, ўлим ҳақ. Ўтганларни Аллоҳ раҳматига олсин!

Ishonch
2014-yil 8-may № 57 (3406)

Соғлом бола — юрт келажаги

ЎзА сурати

Табиат мўъжизаси

Термиз иқлими ёқиб қолди

Термиз ҳайвонот боғида 141 турдаги 360 дан ортиқ жониворлар парвариш қилинмоқда. Бу ерда йиртқичлар, қушлар, балиқлар ҳаёти билан яқиндан танишиш мумкин. Дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган кенгуру, ондатра, маймун каби жониворлар Сурхон замини иқлимига аллақачон мослашиб улгурган.

— Ҳайвонлару паррандалар чинакамига табиат мўжизаларидир. Уларни парваришлаш, насл олиш ва шу усулда кўпайтириш бўйича олиб бораётган изланишимиз зое кетмаяпти, —дейди ветеринар шифокор Алиёр Жовлиев. — 2012 йилда 2 та айиқ туғилганди, сал вақт ўтиб йўлбарс болалади. Ўтган йилнинг бошида Линда лақабли 9 яшар она шердан бир йўла тўртта арслонча туғилди. Малика лақабли 11 ёшли она шер 2 та шерваччани дунёга келтирди. Ҳозир шерларнинг сони 13 тага етди. Ваҳоланки, ҳайвонлар шоҳи ҳисобланган шер одатда битта болалайди. Уларнинг иккита ёки бирваракайига тўртта болалаши табиатда кам учрайдиган ҳолат.

— Айтиш керакки, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида ҳайвонот боғида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бажарилган, дунёнинг турли бурчакларидан ноёб ҳайвонлар, паррандалар келтирилганди, — дейди Термиз ҳайвонот боғи директори Баҳодир Тошбоев. — Жорий йилда ҳам боғимизда катта ўзгаришлар қилинади. Ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари билан бирга ҳайвонлар ҳамда паррандалар сонини кўпайтириш ҳам режалаштирилган. Хусусан, бу йил бир нечта бегемот ва фил келтирилади.

Айни вақтда Термиз ҳайвонот боғи меҳнат жамоаси ҳудуд иқлимини мўътадиллаштириш мақсадида япон сафораси, каштан каби манзарали дарахт кўчатларини ўстиришмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Чироқчи туманида таълим ходимлари ўртасида «Спорт — саломатлик гарови» анъанавий спартакиадаси ўтказилди.

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

200 га яқин педагог мини футбол, стритбол, шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, енгил атлетика бўйича ўз омадини синаб кўрди.

— Мактабда инглиз тилидан сабоқ бераман, — деди эркаклар ўртасидаги шашка мусобақаси ғолиби, 92-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Холмурод Юсупов. — Таълим муассасамизда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар муҳайё. Дам олиш кунлари спорт залимиз ҳамиша гавжум бўлади. Бугунги баҳслар кўпчиликда қизиқиш уйғотаётгани ҳам бежиз эмас.

Аёллар ўртасида ташкил этилган шашка мусобақасида 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Малоҳат Пардаева биринчи ўринни эгаллаган бўлса, шахмат бўйича 13-умумтаълим мактаби ходимаси Сарвиноз Эргашевага тенг келадиган рақиба топилмади. Эркаклар баҳсида 111-умумтаълим мактаби вакили Саъдулла Нурмаматов финалда Фарҳод Мирзаевдан устун келиб, ғалаба нашидасини сурди. Стол тенниси, стритбол, арқон тортиш, мини футбол, енгил атлетика беллашувларида 1-, 5-, 6-, 27-, 30-, 34-, 53-, 111-, 156-умумтаълим мактаблари педагоглари совринли ўринлардан жой олишди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва оилавий барқарорлик тилайди ва қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

- **«ЯНГИЛИК»** — *омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*
- **«ФОЙДА»** — *омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*
- **«ФАЙЗЛИ»** — *омонатга маблағлар 4-6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*
- **«ДАРОМАДЛИ»** — *омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*
- **«ТАЛАБА»** — *омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.*

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

- **«ФИНАНС»** — *омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*
- **«КАПИТАЛ»** — *омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*
- **«ФОРТУНА»** — *омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.*

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида, қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

- **«ҚУЛАЙ ТЎЛОВ»** — *омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.*
- **«ТЕЖАМКОР»** — *омонатга маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.*
- **«КОММУНАЛ»** — *омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.*

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371)	150-77-21
2.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371)	150-79-19
3.	Андижон минтақавий филиали	(374)	222-23-72
4.	Фарғона минтақавий филиали	(373)	229-70-91
5.	Наманган минтақавий филиали	(369)	223-04-37
6.	Бухоро минтақавий филиали	(365)	223-92-21
7.	Самарқанд минтақавий филиали	(366)	210-02-49
8.	Қашқадарё минтақавий филиали	(375)	771-04-26
9.	Сурхондарё минтақавий филиали	(376)	770-83-72
10.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361)	224-22-15
11.	Хоразм минтақавий филиали	(362)	227-48-15
12.	Сирдарё минтақавий филиали	(367)	221-00-71
13.	Жиззах минтақавий филиали	(372)	771-63-38
14.	Навоий минтақавий филиали	(436)	770-27-97

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

СИЗНИНГ ОМОНАТИНГИЗ:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93
www.qqb.uz

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Хизматлар лицензияланган.

Сўраган экансиз

Савол: Иккинчи гуруҳ ногиронман, ўзимга қарашли мол-мулк ва ер учун солиқ тўлашим шартми?

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Паркент тумани

Жавоб: Солиқ кодексининг 272-моддасида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар тоифаси белгилаб қўйилган. Фуқароларимиз, жумладан, чет эл фуқаролари (агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса), шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари шу тоифага киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жой, квартира, дала ҳовли иморати, гараж ва бошқа иморатлар, жой, иншоотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Кодекснинг 274-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган объектнинг инвентаризация қиймати солиқ солинадиган базадир. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли қиймати ҳисобга олинади. Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

I ёки II гуруҳ ногирони ҳисобланган мамлакатимиз фуқаролари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича), ер солиғидан тўлиқ ва мол-мулк солиғидан (2014 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами (60 кв.метр) доирасида) озод қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлган I ва II гуруҳ ногиронлари учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Ўктам АҲМЕДОВ,
Миробод туман ДСИ бошлиғи

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган анжуман «Сифатли тиббий хизмат: унда ким қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул ва пулли тиббий хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари ҳақида» деб номланди.

Сифатли тиббий хизмат

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунига асосан давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ва бошқа турдаги ёрдам бепул кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги фармони билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»га кўра ҳукумат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар доирасида шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва тизимдаги тегишли бир қатор, жумладан, қишлоқ жойларидаги тиббиёт муассасаларида хизмат кўрсатиш ва аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш, эмлаш, ижтимоий аҳамиятга эга сил, хавфли ўсма, руҳий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига чалинган шахслар, болаларни, 15-17 ёшдаги ўсмирларни, чақирув комиссияларининг йўлланмалари билан 18-27 ёшдагилар, ҳомиладор аёллар, ногирон, уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган ҳамда шунга ўхшаш бир қатор тоифадаги шахслар имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларга бепул ва пулли хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011-2014 йилларда 10 га яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, тармоқдаги раҳбар ва масъул ходимлар учун бир неча бор ўқув-семинарлар ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари билан бепул хизмат кўрсатадиган муассасалар рўйхати ишлаб чиқилиб, сервис хизматлари, фитобарлар, реабилитация бўлимлари, соғломлаштириш марказлари ташкил этиш қоидалари тасдиқланди. Шунингдек, аҳолига пулли хизмат кўрсатишда нархларни тартибга солиш мақсадида Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли низом тасдиқланди.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи:

1.»Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Фаробий кўчасидаги 0-0,8 км. ер майдони қисмини реконструкция қилиш ишлари».

Бошланғич нархи — **2 140 044 950 сўм ҚҚС билан; 1 783 370 792 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **20.08.2014 й.**

Қурилиш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. ЛОТ-1

ЛОТ 1.1. «Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Илғор қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 660 163 928 сўм ҚҚС сиз ва 792 196 713 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.2. «Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Чекшўра қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 141 619 034 сўм ҚҚС сиз ва 169 942 840 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.3. «Фарғона тумани Миндонобод ҚФЙ Миндонобод-2 қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 358 880 774 сўм ҚҚС сиз ва 430 656 928 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.4. «Қува тумани Маданият ҚФЙ Гўзал қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 111 333 641 сўм ҚҚС сиз ва 133 600 369 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.5. «Қува тумани Намуна ҚФЙ Пахтаобод қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 163 944 807 сўм ҚҚС сиз ва 196 733 768 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.6. «Тошлоқ тумани Ахшак ҚФЙ Сирлимасжид қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 250 439 446 сўм ҚҚС сиз ва 300 527 335 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.7. «Қўштепа тумани Сармозор ҚФЙ Сармозор қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 212 676 038 сўм ҚҚС сиз ва 255 211 245 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.8. «Олтиариқ тумани Олтиариқ ҚФЙ Тинчлик қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 108 916 871 сўм ҚҚС сиз ва 130 700 245 сўм ҚҚС билан.

ЛОТ 1.9. «Олтиариқ тумани Ғайрат ҚФЙ Жарқўрғон қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — 148 204 947 сўм ҚҚС сиз ва 177 845 936 сўм ҚҚС билан.

Муддати — **1.07.2014 й.**

Қурилиш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел.(8595) 401-52-06.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн.сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси* 37-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.30
Topshirildi - 21.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 345